



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 164 (8904).

1986 йил 26 август, сешанба

Баҳоси 3 тийин.

ЯНГИЛИКЛАР

«ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ»
ВА ЎЗТАТ МУХБИРАРИ
ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯНГИ ҲОСИЛ УЧУН

◆ ЧИНОЗ пахта заводи янги ҳосилни қабул қилишга тайёр. Корхона ишчилари механизмлари, омбор ва тош-тарози ҳужалигини ремонт қилиш борасидаги кўп ишларни қисқа муддатда бажариб бўйдилар. Толаси қийин ажраллаган пахта навлари учун замонавий машина-ускуналар ўрнатилди.

Завода мавсум мобайнида жами 50 минг тоннага яқин — одатдагидан анча кўп пахтани қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш мўлжалланади.

КОРХОНАДА

САВДО ДЎКОНИ

◆ ТОШКЕНТ экскаватор заводида марказий универсал магазиннинг филиали очилди. Эндиликда машина-созлар зарур нарсаларни харид қилиш учун кўп вақт кетказмайдилар. Бунинг учун олдиндан буюртма бериб қўйиш мумкин. Саудо дўкони корхона касба союз ташкилотининг ташаббуси билан очилди. Бундан илгари экскаватор заводида маънавий хизмат уйи ишга туширилган эди. Ҳозирги пайтда ишчиларга йнгрма хилдан ортиқ хизмат кўрсатишмоқда.

КЎП КВАРТИРАЛИ

УЙЛАР КЎПАЙМОҚДА

◆ ТОШКЕНТ яқинидаги «Ўзбекистон» станцияси меҳнаткашларининг 48 оиласи янги уйга қўчиб кирди. Бу беш йилликда станцияда магистрал электровозларга хизмат кўрсатадиган катта депо бунёд этилмоқда. Шу бондан ҳам социал соҳа жадал ривожлантирилмоқда. Средазтрансстройга қарашли 623-қурилиш монтаж поезди коллективни яна кўп квартирали икки корпусни қуриб тугалламоқда. Йил охирида бу корпуслар давлат комиссиясига тақдим этилади.

(ЎЗТАГ).

МАЖБУРИЯТЛАРИНИ

БАЖАРИШМОҚДА

ЙИЛ бошида Ангрен кўмир разрезининг 1-участка коллективни зиммасига оширилган социалистик мажбуриятлар олганди. Биз бугунги кунга келиб бу мажбуриятларнинг бажарилиши билан қизиқдик. Коллектив ўтган даврда планга қўшимча тўрт минг тонна, шу жумладан қимматбаҳо БК маркали кўмирдан беш юз тонна қазиб чиқарди. БК маркали кўмир белгиланганидан 24 кўмирга бўлди. Шунингдек, планда белгиланганидан 20969 тонна кўп ёқилги конвейер ленталарига юклаб берилди.

Буллардан ташқари участка коллектив кўмир таннархларини анча арзонлаштиришга эришди. Бу даврда ҳар бир тонна кўмирга қазиб чиқаришда 4,7 тийин иқтисод қилинди. Участка ишчилари ўтган ойларда битта рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Унинг иқтисодий самараси 1869 сўми ташкил этди.

А. ХРУСТАЛЕВА.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, касба союзлари Бутуниттфок Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1985/86 йил қиш даврида чорва қишлоғини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш юзасидан Бутуниттфок социалистик мусобақаси якунларини қўриб чиқдилар. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда қишлоқ ҳўжалиги ва агро-саноат комплекси бошқа тармоқларнинг ходимлари совет жамияти социалистик тартиб-ахлоқини жадаллаштириш юзасидан партия белгилаб берган йўлни амалда рўйб-га чиқаришга ақтия қўшилиб, чорва қишлоғини уюшқонлик билан ўтказганликлари, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш-ни кўпайтиришга ташкиллаганликлари таъкидланади.

Мамлакат бўйлаб, умуман қишлоқ даврида асосан интенсив омиллар ҳисобига гўшт, сут, туҳум етиштириш анча кўпайтирилди, ана шу маҳсулотларни харид қилиш планлари ортиги билан адо этилди. 1985 йил октябрдан 1986 йил июлига қадар давлат ресурсларига олдинги қишлоқ давридагига нисбатан 3,9 процент кўп чорва ва парранда, 5,5 процентдан зиёд сут, 4,3 процент кўп

туҳум топирилди. Корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ ҳўжалигида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди.

РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Литва ССР, Молдавия ССР, Тожикистон ССР ва бошқа иттифоддош республикаларнинг қўлгина ҳўжаликлари фермаларининг меҳнатчилари ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илгор формаларини, ҳўжалик ҳисоби ва коллектив пудратини жорий этиш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, тартиб ва уюшқонлигини мустақамлаш, ем-хашакдан оқилона фойдаланиш асосида чорва ҳўллари ва парранда маҳсулдорлигини оширишга эришилди, план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар, СССР Озиқ-овқат

программасини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўйдилар.

Социалистик мусобақанинг кенг аяқ олдирилганлиги КПСС XXVII съездида тайёргарлик ва съезд қабул қилган қарорлар туфайли, шунингдек, мамлакат агро-саноат комплексида бошқаришни ва ҳўжалик юритишнинг иқтисодий механизмининг янада такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган чорва тадбирлар, чорводорларнинг меҳнат шайорлигига эътибор кучайтирилганлиги, уларга маданий-маиший, меҳнат ва савдо хизмати кўрсатиш яхшиланганлиги туфайли ферма ходимларининг меҳнат ва жамоат активлиги ошганлиги чорва моллар қишлоғини муваффақиятли ўтказишга ёрдам берди.

(Давоми 2-бетда)

ТОШКЕНТДА УРУШГА ҚАРШИ НАМОЙИШ ВА МИТИНГ

ТОШКЕНТДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ СОВЕТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ОРҚАЛИ БЕРГАН БАЁНОТИГА ЖАВОБАН МЕХНАТКАШЛАРНИНГ УМУМШАҲАР НАМОЙИШИ БЎЛДИ.



Самолётсозлар, тракторсозлар, туқимачиларнинг митингларида илгари сурилган ташаббусларни маъқуллаб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотида жавобан Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари кечаги яқшанба кунини намойишга чиқдилар. Шиорлар ва транспарантлар кўтариб олган шаҳардаги барча ўн район меҳнаткашларининг колонналари шаҳар марказига, Халқлар дўстлиги майдонига йўл олдилар.

Соат 19 да Халқлар дўстлиги майдонига меҳнаткашлар ва жамоатчилик вакилларининг партия ва ҳукуматимизнинг янги тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинг бўлди. Митингчи Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирасилов оиди. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарь-йиғувчилар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрулла Манноповга сўз берилди.

— Партиямиз Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг ядро синовларининг 1987 йилнинг 1 январига қадар бир томонлама тўхтатиб туриш маълум қилинган Баёнотини биз қизгин маъқуллаб қутуб олдик, — деди нотиқ. — АҚШ маъмуриятига эс-ҳушини йиғиштириб олишга яна бир имконият берилди. Биз партия ва ҳукуматимиз мустақам ва изчил тинчлик сиёсатини ўтказиб келаятигани билан фахрланамиз.

Тинчликни зарбдор меҳнат билан мустақамлаш лозимлигини тушунамиз ва Ватанимиз иқтисодий қудратини мустақамлаш учун куч-гайратимизни аямаймиз. Назрулла Маннопов бригадаси шу йилнинг ўн бир ойлик топиригини Улуғ-қотбнинг 69 йиллигига қадар бажариш юзасидан социалистик мажбурият қўлаб қўйди. Намойиш ва бўлиб ўтаётган митингларнинг қўллаб қатнашчилари зарбдор меҳнатлари билан тинчликни мустақамлашга ўз ҳиссаларини қўйишга азму-қарор қилганликларини баён этдилар. Масалан, Тошкент тракторсозлари Ленин комсомоли мунофоти лауреати С. Егоровнинг корхона йиллик планини 1986 йил 1 декабрига бажариш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлашди. Трактор заводи комсомоллари икки марта шанбалик уюштириб, ишлаб топишган маблағни Тинчлик фондида ўтказишга аҳд қилдилар.

— Мен машаққатли уруш йилларини яхши эсламай, — деди митинг қатнашчилари олдида сўзга чиққан 22-бодлар уйининг директори Антонина Павловна Хлебникова, — ўша йилларда Тошкент ўз ота-оналарини йўқотган минглаб азобланган, оч болаларни бағрига олди. Уларнинг акасарияти бугунги кунгача ўз ота-оналарини қидиришмолти. Ана шундай офатга йўл қўймаслик ер юзидаги барча софидил инсонларнинг бурчидир.

Митингда Ўзбекистон ССР

Фанлар академиясининг президенти П. Қ. Ҳабибуллаев, 1-ўрта мактаб математика ўқитувчиси, Қаҳрамон она М. М. Бобоева, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи Б. Е. Тихомолов, АҚШ тинчлик кенгаши делегациясининг аъзоси, хотин-қизлар тинчлик ва Лотин Америкаси халқлари билан ҳамкорлик комитетининг аъзоси, тинчлик ва адолат учун актив курашчи Виван Стромберг, ТошПИ студенти Шаҳноза Тураева ва хукуматимизнинг тинчлик тақдир ҳақида чинакам ғам-хўрлик билан йўғрилган ички

ва ташқи сиёсатини қизгин қўллаб-қувватлаётганликлари, ана шу сиёсатни амалга оширишга тинчлик ишчи зарбдор меҳнат билан, уюшқонлик ва тартибни, намунали ишлаб чиқариш интизомини мустақамлаш билан жавоб беришга тайёр эканликлари ҳақида гапирдилар.

СССР халқ артисти, Ҳамза номиди Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, Алишер Навоий номидида академик опера ва балет Катта театрининг бош дирижёри Д. Ғ. Абдурахмонов ва митинг қатнашчиларининг Сиятл шаҳри аҳолиси яқ-

диллик билан қабул қилган мактуб-муножаатини ўқиб эшиттирди.

Шундай митинг ва намоийшлар олабастимизнинг Олмалик, Охангарон ва Наринманов шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

● СУРАТЛАРДА: Тошкент, 1986 йил 24 август. Тошкент меҳнаткашларининг Янги совет тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга бағишланган умумшаҳар намоийши қатнашчилари.

А. Зуфаров фотолари



УЧ ЎРИМДА 97 ЦЕНТНЕР

ЧОРВАДОРЛАР мавжуд озуқа ресурсларидан тежамли фойдаланиб, молларни тўйиб-бошишга ҳаракат қилмоқдалар. Натижада ай-ни кунларда фермадаги 196 бош сиғирини ҳар бирдан ўртача 9,5 килограммдан суг сориб олинмоқда.

«Назарбек» совхозини меҳнаткашлари қишда ҳам чорва моллари маҳсулдорлигини қаматириш учун шу кунларда мўл-қўл ем-хашак жамғариш учун курашмоқдалар. Бунда Турсун Тўра-бош боллиқ иқтисослаштирилган бригада аъзоларининг хизмати катта бўлмоқ-

да. Бригада далаларида тур-ли хил озуқа экинлари си-фатли парвариш қилиниб, мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар кун совхоз бўйича 250 тонна озуқа тайёрланади.

Деҳқонлар, айниса, бедадан сиғирни пичан тайёрлашга эътиборини кучайтир-моқдалар. Беда ўрилгач ыла жойда қуритилиб сўнг га-рамланмоқда. Бу усулда ун-даги фойдали озуқа элемент-лари тўла сақлаб қолинади. Ҳозирнинг ўндаёқ планда-ги 1050 тонна ўрилган 950 тонна беда пичани жамғариб қўйилди.

Хозир тўртинчи ўрим қиз-гин бормоқда. Уч ўримда

керак. Ҳар гектар ердан 350 центнердан ортиқ кўп-поя олинмоқда. Планини ал-батта бажариш учун вақт-дан, техникадан самарали фойдаланмоқдалар. 15 гек-тар майдонда пишиб етила-ётган озуқа далагисидан ҳам мўл ҳосил олиш кутил-моқда.

Совхоз деҳқонлари озуқа тайёрлаш суръатини янада кучайтириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

А. УСМОНОВ.

ҲОЛИБЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети,
ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети иттифоддош ва автоном республикалар, ўлкалар, областлар, автоном областлар, автоном округлар, районлар, колхозлар, совхозлар, ҳўжаликлари ва бошқа корхоналарда, саноат корхоналари ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ ҳўжалигиде 1985/86 йил қишқи даврда чорва моллари қишлоғини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш юзасидан Бутуниттфок социалистик мусобақаси якунларини қўриб чиқиб, қишдагиларни қўлиб, деб топдилар ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий Ёрлиқла-ри билан мукофотладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССРдан

1. Тошкент области
2. Бекобод райони
3. Ўрта Чирчиқ райони
4. Тошкент районидеги «Ўзбекистон ССР 50 йилли-ги» колхози
5. Янгийўл районидеги «Новомихайловский» давлат наслчилиқ заводи

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Оқилона даъват

● ГААГА, Голландия ҳукумати АҚШ президен-ти Рейтанин СССРнинг ҳар қандай ядро портлатиш-ларини тўхтатиб туриш мўддатини узайтириш тў-ғрисидаги қарорига қўшилишга даъват этиш нияти-дадир.

Нидерландия мудофиа ми-нистри Вилгелм ван Эн-лен Амстердамда шун маъ-лум қилди. У Дания, радио-сининг мухбири билан суҳ-батда Америка маъмурияти

ядро қуроли синовларини таққиллашга қаратилган СССР-нинг таклифига ижобий жа-воб қайтаришни истаётган-лигини қоралади.

Мухим сиёсий проблемалар муҳокама қилинади

● БОНН. Бугун Нюренбергда ГФРнинг оппози-циядаги энг катта партияси — Германия социал-де-мократик партиясининг съезди очилди.

Анжуман кун тартибига энг муҳим сиёсий проблема-ларни, шу жумладан СССР-нинг КПСС Марказий Ко-митети Бош секретари М. С. Горбачев ўртага қўйган ян-ги амалий таклифлари асо-сида тинчликни ва халқаро ҳавфсизлигини таъминлаш масалаларини муҳокама қи-лиш юритилган. ГСДП 1987 йилнинг январиде Бун-

дестагга бўлажак сайлов му-носабати билан съездега ю-лат катта аҳамият бермоқда. Ғарбий Германия қулатув-чиларининг фикрича, Нюрен-бергдаги анжуман социал-де-мократларнинг Бонндаги ҳо-кимият тепасига қайтиш учун олиб борадиган кураш-нинг асосий йўналишла-рини белгилаб беради.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

● ПАРИЖ. Франциянинг «Фон» авианосеци ва уни кузатиб борувчи бир гуруҳ кемаларга ўрта денгизда ик-ки кунлик машқлар ўтказиш тўғрисида мудофиа минис-трининг буйруғи берилди. Ҳарбий кўмондонлиқнинг хабарига кўра, бу машқлар Франция соҳилларида ўтқа-зилди. Бироқ, маҳаллий матбуот ҳарбий кучларнинг бундай намоийшини Жану-бий Ливандаги сўнги воқеа-лар билан боғламоқда. Ўт-ган ҳафтада Ливанда БМТ муваққат кучлари Франция қисмининг бўлимчаларига қуроли ҳужум қилинган эди. Натижада Франция ҳар-бий хизматчиларидан жами 15 киши ярадор бўлди.

● БУДАПЕШТ. Бугун бу ерда очилган социалистик мамлакатлар пойтахтлари ешларининг 13-учрашувида

қарлош социализм мамла-катлари ва социализм бўли-ни танлаб олган давлатлар 15 та шаҳрининг йиллари қатнашадилар. Мана шу аънаванинг анжуманининг асо-сий мақсади — социализм мамлакатлари ешлари ўрта-сида дўстликни янада мус-тақамлашдан иборат.

● МАНАГУА. Никарагуа пойтахтида мамлакатдаги идора етвучи сандинчилар миллий-оозлик фронтининг олий маслаҳат органи — сан-динчилар ассамблеясининг 5-сессияси ўз ишнини тамом-лади. Сессия давомиде Кўш-ма Штатларнинг агрессив ҳаракатлари натижадиде ву-жудга келган иқтисодий қи-янчилликларга қарши кураш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилинди.

(ТАСС).

Совет мактаб ўқувчилари Англияда

ЛОНДОН. ТАСС мухбири Игорь Песков хабар беради: Совет Иттифоқи ва Буюк Британиянинг ҳо-зирги ешларини тинчлик ва бахтга интилиш мўд-даоси бирлаштириб турибди. Инглиз ва совет мак-таб ўқувчиларининг кеча бу ерда ўтказилган учра-шуви бунинг далили бўлди.

Учрашув қатнашчилари икки кун давомиде планета ешлари олдида турган про-блемаларни, термоядро ҳало-қатининг олдини олиш учун курашда ешларнинг ролин муҳокама қилдилар. Иккала мамлакатнинг мактаб ўқу-вчилари жаҳон маданиятини ривожлантиришнинг асосий йўллари, халқаро муносабат-ларда санъатнинг роли тўғ-рисида фикрлашиб олдилар. Фикрлар гарчи ҳаммиса би-рини берибди. Лондон макта-бларидан берида кўшма кон-церт берилди. Концерт про-дай учрашувлар иккала мамлакат ошларининг бири-бирларини яхшироқ тушу-

нишлари ва билишларига им-кон беради, деган ақидя фикрга келдилар. СССР билан маданий ало-қалар Британия жамияти-нинг таклифига буюнон Ан-глияга келган Москва мактаб-ларининг ўқувчиларига ин-глиз тендошлари ҳаёти би-лан танишиш, Лондон ва Оксфорд шаҳарларининг қўлгина тарихий жойларига бориш, олдида инглизларнинг ҳонадонларида бўлиш имко-ни берибди. Лондон мактаб-ларидан берида кўшма кон-церт берилди. Концерт про-дай учрашувлар иккала мамлакат ошларининг бири-бирларини яхшироқ тушу-

Тантанали маросим

● ВАРШАВА. Дембняк деган жойда (Краков ёво-далли) Ўрнатилган ёдро-лик лаваси олдида бундан 42 йил муқаддам фашист боқинчиларига қарши олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет ва поляк парти-занлари хотирасига бағиш-ланган тантанали маросим

бўлди. Жамоат ташкилотла-рининг вакиллари, атроф шаҳарлар ва қишлоқларнинг аҳолиси ёдролик пойга гуллар қўйиб, бу билан Польша озолидиги ва муста-қиллиги учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга ҳур-мат-эҳтиром изҳор етдилар.

Карочиде матбуот конференцияси

● ИСЛОМОВОД. Покис-тон Синд вилоятида касба союз раҳбарларининг яқил-лари Карочиде бўлиб ўтган матбуот конференциясида Кароч шаҳри ва Синд ви-лояти районларининг ишчи-лари ҳукуматдан ўзлари қўй-ган талаблар бажарилишига эришиш мақсадида кураш кампаниясини бошлайдилар. Ишчилар Етабзор Бхутто ва оппозициядаги партиялар-нинг бошқа раҳбарлари дар-

ҳол қамқондан овоз қилини-шини, Синд вилоятида ми-тинглар ва намоийшлар ўт-казишни таққиллаш тўғриси-даги қонулар бекор қилини-шини ҳамда мавкур вилоят-дан қўшиллар олиб чиқиб кетилишини, ишчилар бир-лашмалар тузишга барча чеклашлар ва ишга ёллаш-темаси жавкуд камситувчи сис-темаси тутатилишини талаб қилмоқдалар.

(ТАСС, 25 август).

• Пойтахтимиз меҳмонлари •

БОШҚИРД ТЕАТРИНИНГ БЕШИНЧИ САФАРИ

Пойтахтимиздаги рус Давлат оперетта театри буюк олдига бошқирд академик драма театрининг гас-
роллари бошланди. Меҳмонлар дастлаб кун тош-
кентли томошабинларга атоқли бошқирд адбиди Мус-
тақимнинг «Олис болалик» повести асосида тай-
явланган «Хам тақдир, хам тақдир эмас» спектаклини
такдим этдилар.

Шу муносабат билан театрининг бош режиссёри,
РСФСР ва Бошқирдистон АССРда хизмат кўрсатган
санъат арбоби Р. В. ИСРАФИЛОВ жамоатчи мухбир-
мига кўйдагиларни сўзлаб берди:

— Театримиз ижодий
коллективининг ўзбек дё-
рига бешинчи марта кели-
ши, — дейди Рифкат Ваки-
лович Ибрафиллов. — Ал-
батта, биз бу галги сафари-
миз ҳам муваффақиятли
ўтиши учун пухта тайёргар-
лик кўрдик. Гастрол ре-
пертуаримизга кейинги йил-
ларда сахналаштирилган
энг яхши спектакллари ки-
риштига ҳаракат қилдик.

Маълумки, Бошқирд-
истон АССР халқ шоири,
Социалистик Меҳнат Қаҳ-
рамони М. Каримнинг
«Олис болалик» повести
1984 йилда Ленин мукофо-
ти билан таъдирланган эди.
Халқ ҳаёти ва унинг доири-
сидан, совет турмуш
тарзи ҳақида ҳикоя қилувчи
мазкур асар асосида сахна-
лаштирилган спектаклда
повестдаги юксак гоийий-
бадий мазмунни ифода-
лашга ҳаракат қилганимиз.
Бу босқин ҳам бу асар те-
атримиз мухлисларига ман-
зур бўлиб, репертуаримиз-
дан мустақам ўрин олди.

Биз Тошкентда М. Карим-
нинг яна бир асари — «Қиз
ўғирлаш» комедиясини, шу-
нингден, драматург Т. Та-
гировнинг «Голубя» драма-
си, М. Файзийнинг «Голубя-
бону» мелодрамаси, М. Со-
диқовнинг «Сохибнамол»
комедияси, Н. Тинчурин-
нинг «Зангори шол рўмол»,
Р. Сафининг «Гозлар» —
оқушлар драматик поэма-
си, Х. Ибрагимовнинг «Ку-
ёв» музикали комедиясини
ҳам санъат мухлислари ҳў-
мига ҳавола этамиз. Томо-
шабинлар бу спектакллар
орқали бошқирд халқининг
турмуш тарзи, ўзига хос
урф-одатлари, кишилари-
миз психологиясида кўз бе-
раётган ўзгаришлар билан
яқиндан танишадилар. Маз-
кур сахна асарларидан таш-
қари махсус концерт про-
граммаси ҳам тайёрлаб кел-
дик.

Гастроль томошаларимиз
оперетта театри буюси ҳам-
да авиасозларнинг мада-
нийят ва техника саройида
кўрсатилади. Биз Ўзбекис-
тон пойтахтида ўз санъати-
мизнинг намоиши қилиш би-
лан бир қаторда республи-
кангиз меҳнаткашлари ҳаё-
ти билан яқиндан таниша-
миз, ҳамкасб дўстларимиз
билан яқиндан учрашувлар
ўтказамиз. Шубҳасиз, бу-

ларининг ҳаммаси ўзбек ва
бошқирд халқлари ўртасида
ғардошлик алоқаларини
мустақамлашга, шаклан
миллий, мазмунан социалис-
тик маданиятларимизнинг
янада равиқ топишига хиз-
мат қилади.

Сўхбатни Н. ТОЖИЕВА
ёзиб олди.

● Сўратларда: М. Карим-
нинг «Хам тақдир, хам тақ-
дир эмас» спектаклидан ай-
риқ сахналар.

Н. Шарипов фотолари.



БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ

Айни пайтда кўплаб бола-
лар пионер лагерлари, дам
олиш уйлари, санаторийлар-
да мириқиб дам олмоқдалар.
Шаҳарда қолганлар учун
эса мактаблар қўшида ла-
герлар ташкил этилган. Ту-
рар-жойлардан фойдаланиш
участкаларида ёзи соғлом-
лаштириш масканлари очил-
ган. Жумладан, А. Икромов
районидаги турар-жойлар-
дан фойдаланиш участка-
ларининг 13 тасида ана шун-
дай майдончалар ишлагаюқ.
Бу ерда турар-жой участ-
каларининг тақрибани ташки-
лотчи педагоглари, мактаб
ўқитувчилари, рус тили ва
адабиёти институти талба-



БИЛДИРИШ

Эртага, 27-август кўни соат 17.00 дан 19.00 гача «Тош-
кент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузурида тузилган жамо-
атчи Совет қабулхонаси ишлайди. Унда олабаста остиция бу-
лими бошлигининг ўринбосари А. Мамедов меҳнаткашларни
қабул қилади.

Шикоят, ариза ва илтимосномелари бўлган ўртоқлар ана
шу қабулхонага келишлари ва ўзларини қизиқтирган масала-
лар юзасидан муножаат қилишлари мумкин. Келишга имкон
тополмаган кишиларга редакция жамоатчи Совет қабулхо-
наси хат орқали ҳам жавоб беради.

Жамоатчи Совет қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй,
7-қават, 742-хонага жойлашган, телефонлари: 33-40-48,
32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» ЖАМОАТЧИ СОВЕТ ҚАБУЛ-
ХОНАСИ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ? ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Иттифоқимизнинг ҳамма
жойларидаги каби республи-
камизда, жумладан област-
камизда ҳам 1987 йил учун га-
зета ва журналларга обуна
бошланди.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси-
га ҳам обуна бўлишни унут-
манг.

Бўлиниш учун «Союзпечати»
агентликларига ёки иш жойи-
нгиздаги, ўқув юрти ва турар-

жойингиздаги жамоатчи мат-
буот тарқатувчиларга муро-
жат қилишингиз мумкин.
Улар сизни келаси йил матбу-
от учун обуна қилиб қўйиша-
ди. 1 ноябрдан обуна бўлиш-
ларга эса газета 1987 йил
февралдан бошлаб атказиб
берилади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ:
1 йилга—6 сўм 60 тийин.

«Тошкент ҳақиқати» ўқувчилари газета ҳақида

МУЛОҲАЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР

▲ Газетада биз бадий жи-
ҳатдан пухта, замонавий ма-
взуадаги ҳикоя, очерк, шеър-
ларни кўпроқ босилишини ис-
тардик. Негадир бундай асар-
лар ҳозирча кам босилмоқда.
И. СУЛТОНОВА,
Тошкент райони, педагог.

▲ «Тошкент ҳақиқати» сахи-
фаларида ахлоқ мазмунидаги
мақолалар илгарилари кўпроқ
ёртиларди. Бундай материал-
лар ҳақида газетхонларнинг
мунозаралари, бахслари ҳам
уштирилари. Аммо сўнгги
пайтда газетада ахлоқ ма-
взуадаги асарлар кам босил-
моқда.

▲ Биз оиламиз даврасида
«Тошкент ҳақиқатини» мунта-
зам ўқиб борамиз. Назаримда,
газетанинг шанба сонлари ке-
йинги пайтларда анча ранг-ба-
ранг бўлаётганини сезилиб

ЧУЧВАРАНИ ХОМ САНАГАН ОШПАЗ

Халқимиз «Текмакорлик —
чиндан ҳам туганмас бойлик»
деб бекорга айтмаган. Лекин
бу ҳикмат мазмунини баъзи
кимсалар ўз қаричи билан ўл-
каб, даромад ишбабини ўзига
тўғрилаб қўйишганига нима
дейсиз? Акмал Икромов рай-
он ошхоналар трестига қараш-
ли 3-ошхона сомса цехининг
бригадир-ошпази Шукрулло
Алимухамедов ана шундайлар-
дан экан. У бу ҳикматни ўзича
талқин этибди, «Ихтиросидан»
ўзи қувониб, тежаланидан
келадиган фойдани нақд ўч
кечаю-кундуз ўт ташлаб ҳи-
собилаб чиқибди.

Ихтироси сомаанинг ҳам авра-
си, ҳам астаридан уриб қол-
ганин ун, гўшт, ёғ, тухум, му-
руч дегандек — унинг дастури-
хониде хомашёларнинг катта
хирмони юзга келибди. Ёнди
нима қилмоқ керак? Бу савол-
га ҳам Шукруллонинг ўзи
жавоб топди. «Нима қилардинг,
энди хирмонини кўтермоқ, те-
жалган хомашёни сува қорик,
пиездан сомса ясасоқ кераки,
деб жавоб берибди.

Анаб, мазза-матрасида сомса-
ни харидорчи ҳам ҳар-хил бу-
ларкан. Бир бита тишлаб
гаримдори чайнагандек афти-
ни бужмайтириб, ичиде сом-
сапазга «рехмат» айтса, баъзи
мўмин-қобиллари «чиқаси кел-
са эгаси сабаби» деб кети-
беришди. Лекин емаган сом-
сага пул тўлашни хохламовчи
баъзи баджақллари ҳам учраб

Текинхўрга шафқат йўқ!

Шундай қилиб тийин устида
тиш синдирадиган сомсапаз
учун ишининг бу томони за-
мирдан қил суғургандек осон
кўчаверди. Хаш-паш дегунча
у «тежалган» 1727 килограмм
гўшт, 909 килограмм марга-
ри, 1818 донна тухум, 17 ки-
лограмму 940 грамм муруч,
2908 килограмму 800 грамм
биринчи нав ун сомсага айла-
ниб, «Ихтиросини» ошпаз чўн-
гага жарақ-жарақ текин даро-
мад бўлиб қирди.

Шу ўринда нахотки ошхона-
да бу қиларлиққа одил кўз
билан қараб, сомсапазни жи-
ноятдан қайтариб қолувчи би-

қолди. Биз кенг оммани мўл-
жаллаб турли қизиқарли ха-
барлар, жумладан, «Ўқинг, бу
қизиқ» рубрикаси билан ҳам-
мани қизиқтирадиган маълум-
отлар, аниқликлар доим бе-
риб борилишини таклиф қи-
ламиз.

Н. ТОЖИЕВА,
ТошДУ журналистика фа-
култети студенти.

▲ Электрон-хисоблаш ма-
шиналаридан фойдаланиш тў-
ғрисида маслаҳатлар мунтазам
қилиб борила ёки бў-
ларди. Фан аниқлиқларига до-
рий ўрин берилишини истар-
дик.

И. СОЛИЕВ,
Пискент райони.

«ОНА ТАҚДИРИ» КАМЕР ОПЕРАСИ

Композитор Х. Раҳимов-
нинг уруш мавзуда ёзган
«Она тақдири» деб номлан-
ган асари биринчи ўзбек ка-
мер операси сифатида юзага
келган эди. Она диди ҳикоя-
си учун ўз ўғлонларини
фронтига юборган, жудалик
лардини чеккан мунис, про-
даси мустақам оналарнинг
рамзий образи тасвирчан
тасвирланган мазкур асарни
Алишер Навоий номи Ўз-
бек Давлат Академия Катта
опера ва балет театри сахна-
лаштиришга киришди.

С. ОДИЛОВА.

ТИРИК ТЎҚИМА УЧУН ИП

▲ БУ ип тикувчилар фой-
даланадиган ипга сира ўх-
шайди. У жарроҳлик опе-
рацияларидан сўнг тирик
тўқималарни тикнишга ати-
лан. Химия ва пахта целлю-
лозаси химияси илмий тад-
қиқот институтининг олим-
лари Қозондаги химия фар-
мацевтика ишлаб чиқариш
бирлашмаси билан биргалик-
да бу ипни пахта линтидан
ясатганлар.

Янгиликнинг асосий хусу-
сиятлари яъни яллиғлантир-
маслиги ҳамда организмда
тезда сўрилиб кетиши уни
мамлакатнинг турли клима-
каларида кенг қўлланишга
имкон бери-
(ЎзТАГ мухбири).

ҲАР ТЎҒРИДА

НОЁБ ГИЛАМ

◆ ШУ кунларда Брюс-
селнинг баш майдони —
Гранд — плясини ноёб
гилам безаб турбди.
Унинг узунлиги 70, кен-
лиги эса 24 метрлар.

Турист ва маҳаллий аҳоли
улкан гиламининг фақат ҳа-
кимга эмас, унинг ёрқин бўё-
лари, ўзига хос безаги ва
хушбўй ҳидига ҳам мафтун
бўлимоқдалар. Брюсселлик ги-
ламчилар улкан повендони
тайёрлашда 600 минг донга
беғония ва картошкагулдан
фойдаланишган.

Ноёб гул гиламлар Гранд-
плясда ҳар йили ҳам пайдо
бўлмайверди. Охири мар-
та у 6 йил илгари тайёрланган
эди. Чунки хушбўй гиламни
ясашга кўплаб маблаг ва иш-
чи кучи талаб этилади. Бу
йил намоиши этилаётган на-
муна гиламини яратишда 120
гулчи қатнашди, унинг умум-
ий нархи 700 минг франки
ташкил этди.

42 йилдан сўнг

◆ АМЕРИКАЛИК ҳарбий
дизайнерларнинг 1944
йил май ойида «Калеб
Стронг» транспорт кема-
си бортидан ирридишо-
уруларни ва саниганла-
рига ёзган 253 та макту-
би энди эгаларига етиб
борди.

42 йил мобайнида бу хатлар
Роли шахридаги (Шиндлий
Каролина штати) бир уйнинг
подвалда ётган экан. Улар
бино ремонтни пайтда топи-
ди. Яқинда АКШ почта хиз-
мати ходимлари йўлда узок
йиллар ушланиб қолган хат-
ларни аранг топишдан 11 на-
фар совик денгизчиға тапта-
нали суратда топиришди.

14 Ёшли студент

◆ ҲН ўрт ёшли Михаил
Гелашвили Тбилиси
Давлат университетининг
биология факультет-
ти студенти бўлди.

Шу бахтли кунда Михаилга
яна бир мукофот тақдим
этилди. У ўзи яратган олис-
дан бошқариладиган машина-
си учун республика пионер
ва ўқувчилари саройининг
«Еш техник» клуби совриндо-
ри бўлди.

Михаил Гелашвили 8 йилда
урта мактаб программасининг
гула курсини тамомлади. У уч
ёшидаёқ ёзиш ва ўқишни ўр-
ганган эди. Михаил кўп мар-
та Бутуниттифоқ мактаб
ўқувчиларининг химия фани
бўйича олимпиадаси голиби
бўлган.

ЯНА С. ЗАБОЛТНОВ

▲ Мадрид шаҳрида сув
спорт турлари бўйича ўткази-
лган бешинчи жаҳон чемпи-
онатига тошкентлик сузувчи
Сергей Заболотнов муваффа-
қиятли иштирок этди. У 100
ҳамда 200 метрга чалканча су-
зишда бронза медалини қўлга
киритди.

ЎСМИРЛАР ТУРНИРИ

▲ Олмалик шаҳрида Ўзе-
кистон ЛКСМ Марказий Коми-
тетининг «Юность» соврини

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ
ВА РАЙОНЛАРИДА
26—27 август кунлари
«СОВЕТ КИНОСИ КҮНИ»га бағишлаб
ХРОНИКАЛ-ХУЖАТЛИ ВА ИЛМИЙ-ОММАСОП
ФИЛЬМЛАР

ТЕМАТИК НАМОЙИШНИ ЎТКАЗДИ

Чирчиқ шаҳри. «Навоий» кинотеатрида — Фларичата.
Ғазалкент шаҳри. «Бўстон» кинотеатрида — Совет
киноси. Сьезддан — сьездгача.
Тўйта шаҳри. «ВЛКСМ 40 йиллиги» кинотеатрида —
Қушлар тепадан ўчишади.
Янгибозор шаҳри. «Октябрь 50 йиллиги» кинотеатри-
да — Яшасин, кино! Афсона ва хотира.
Нарининов шаҳри. «Боксу» кинотеатрида — Дўстлик
экрани.
Оҳангарон шаҳри. «Восход» кинотеатрида — Влади-
мир Шнейдеров.
Қибрай шаҳри. «Союз» кинотеатрида — Илья Фрез ва
унинг фильми.
Янгибўла шаҳри. «Победа» кинотеатрида — Михаил
Ромм. Кинорежиссёрнинг қалб сўзлари.
Ангрэн шаҳри. «Дружба» кинотеатрида — Болалар
киноси байрами.
Янгибод шаҳри. «Радуга» кинотеатрида — Григорий
Александров ва Любовь Орлова.

ЕШ ТОМОШАБИНЛАР, СИЗЛАР УЧУН

«САЛОМ, МАКТАБ»

БУТУНИТТИФОҚ КИНОФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИШ
ДАВРИДА

«СЕРТАШВИШ ЯКШАНБА»

ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМНИНГ
ПРЕМЬЕРАСИ БЎЛАДИ.
Сценарий муаллифи — Оскар РЕМИЗ.
Режиссёр — Владимир МАТИНОВ.
Композитор — Владимир ШАЙНКИН.
Ролларда: Павел Гайдученко, Михаил Пуговкин, Ве-
ра Васильева, Валентина Тализина, Марина Дюжева,
Марина Яковлева ва бошқалар.
Мазкур музикали комедияда 4 «А» синфи ҳаётида рўй
берган гаройиб ўзгаришлар, унинг асосий сабабчиси —
фильмнинг бош қаҳрамони, тартибга солиб бўлмас хом-
хал Гена Пайкин ҳақида ҳикоя қилинади.
Янги фильм премьераси Тошкент область шаҳарлари —
Бекобод, Чирчиқ, Олмаликда 1—7 сентябрда бўлиб ўта-
ди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ
КОНТОРАСИ.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

19 СЕНТЯБРЬ — 28 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ
МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ВАЛЕТНИНГ

ГАСТРОЛАРИ

Жаҳон, Европа ва Олимпиада чемпиони, СССРда хиз-
мат кўратган спорт мастери
МАРИНА ЧЕРКАСОВА
РСФСРда хизмат кўратган артистлар
Владимир ЛУЗИН ва Зофяр ШОКИРОВ,
уч карра СССР чемпиони
Людмила БАКУНИНА.

Инки карра СССР чемпиони, Европа биринчилигининг
бронза медали совриндори Татьяна ВОЙТЮК ва бошқа-
лар қатнашадилар.

Постановкачи — СССР халқ артисти, СССР давлат
мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони
Михаил ГОДЕНКО.

Бош дирижёр — Иосиф ПИЧХАДЗЕ.
Томошалар — 19, 22, 23, 24, 25, 26 сентябрь соат
20.00 да; 20, 21, 27, 28 сентябрь соат 17.00 ва 20.00 да
бошланади.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ
ВА «ЎЗБЕККОНЦЕРТ» КАССАЛАРИДА ҲАМДА РАЙ-
ОН КАССИРЛАРИ ТОМОНИДАН СОТИЛАДИ.

МОТОЦИКЛ — ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ

МОТОЦИКЛНИ ҲАЙДАГАНИМИЗДА ҚУШДЕК
УЧАЕТГАНИНИ ТАСАВВУР ЭТАМИЗ.

Шаҳар ортда қолиб, олисда дарё суви ялттираб кўри-
нади, мовий тоғлар яқинлашади. Тоғ бағрида муссаффо
ҳаво, дарёлар шовуллашни сизга ором беради.

Сиз уй-чодир, рюкзак, ухлаш қопи каби буюмларни
ҳам унутмангиз. Демак, дам олишингиз завқли бўлади.


Саёҳат, шаҳар атрофига сайр қилиш ишқивоз-
ларига маълум қиламизки,

«ЎЗСПОРТТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН

ёзги дам олиш ва туризм учун керак бўладиган
барча буюмлар: мотоцикллар, мопедлар, велоси-
педлар, чодирлар, рюкзаклар, ухлаш қоплари,
спорт кийимларини

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

«ЎЗСПОРТТОРГ» РЕСПУБЛИКА УЛГҮР-
ЖИ-ЧАКАНА САВДО ИДОРАСИ.
(Телефон 35-00-84).
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ
БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.



ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

«Ташкентская правда»

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА
КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗ-
БЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕ-
ТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КҮЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секрета-
рият — 325750, БҒЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778;
саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749;
совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлиги — 325645; тунги нав-
батчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

